# ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

1995 йил 5 май
ЖУМА
№ 18 (5.642)
сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган








## ҚУМҚЎРҒОН ДАЛАЛАРИДА

Пахтачиликда суяги қотган тажрибали деҳқонлар, мутахассислар бўлғуси ҳосил тақдири кўп жиҳатдан экиш муддатларига боғлиқлигини яхши билишади. Сурхондарё вилояти заршунослари кўкламнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб чигит экишни эрта бошлаган эди. Улар отни барвақт қамчилаб хато қилишмади. Иссиқ иқлимли воҳада барака уруғи тез униб чиқди. Жарқўрғон, Қумқўрғон, Ангор, Музрабод, Қизириқ районлари хўжаликларида чигит ернинг ўз намига ундириб олинди. Фурсатни ўтказмай дарҳол ниҳоллар парвариши бошлаб юборилди.

Айни паллада Қумқўрғон районидаги Сафар Бойматов номли жамоа хўжалигида ғўзаларга учинчи ишлов берилмоқда.

— Бир вақтнинг ўзида яганалаш ҳам қизғин бораяпти, — деди хўжалик раҳбари Эргаш ака Жумаев. — Пахтачилик бизга ота касб. Бобом ҳам машҳур деҳқон эдилар. Шу соҳада 33 йил тажриба орттирдим. Жорий йилда икки ярим минг гектар ерга барака уруғи қададик. Чигит экиш 10 иш кунида якунланди. Режамиз 8 минг тонна. Худо хоҳласа, 8 минг 200 тоннани мўлжаллаб турибмиз. Бундан ташқари 1600 гектар майдондаги ғалла етиляпти. Эрта-индин арпага ўроқ тушади. Янги ташкил этилган бир ярим минг гектар ердаги боғ-токзор бу йил ҳосилга кирди. 200 гектар майдондаги шоли гуркираб ўсаяпти. Колхозда 11 та қишлоқ, жами 4000 хонадон бор. Ҳаммаси газлаштирилиб, ичимлик суви билан таъминланган.

Ўтган йили пахтадан 60 миллион сўм даромад қилдик. Хўжаликда жон бошига 100 килодан ғалла, 30 килодан шоли тарқатилди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан пахта толасининг 40 фоизи, ғалланинг 50 фоизи хўжаликлар ихтиёрида қолдирилиши деҳқонларимизнинг кучига-куч, ғайратига ғайрат қўшди.

Майдонлар ижарачиларга бўлиб берилган. Хўжаликнинг Чори Жўраев етакчилик қилаётган бригадасида ғўза парвариши намунали йўлга қўйилган. Ҳозир бу ерда учинчи культивацияга киришилди. Вилоят агросаноат бирлашмаси вакиллари, мутахассислар ниҳоллар ривожини назорат қилиб туришибди.

**Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ.**



*СУРАТДА: Моҳир механизатор Сафар Жўраев.*
**Муаллиф олган сурат.**

## ПАХТАКОР ШИЖОАТИ

Сўнгги йилларда Наманган вилояти деҳқонлари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олишда барча қийинчиликларни мардонавор енгиб келишмоқда. Бу йил ҳам шундай бўлди. Апрелнинг учинчи ўн кунлигида чигит униб чиққан пайкалларга, боғ-роғлару узумзорларга, хуллас далаю экинзорларга табиий офат хуруж қилди. Дўл ёғди ва жала қуйди. Масалан, 20 апрель куни шу манзара кучлироқ намоён бўлди.

Мутахассисларнинг ҳисобига кўра, жами 80 минг гектар экинзор, шундан 45 минг гектар пахта майдони дўл, жала ва селдан зарарланди. У Уйчи, Янгиқўрғон, Чортоқ ва Чуст туманлари далаларига анча зиён етказди.

Вилоят раҳбарлари ва мутахассислари фавқулодда чора-тадбирлар кўришди. Зудлик билан вилоят ҳокимининг ўринбосари Икром Нажмиддинов бошчилигида штаб иш бошлади. Кўрилган тадбирлар туфайли вилоятнинг 95 минг гектарлик пахта майдонларида ниҳоллар тўлиқ ва бехато бўлишига эришилди. Шу кунларда 31 минг гектардаги ғўза ниҳоллари 1-2 тадан, 7 минг гектардан зиёд майдонда эса 2-3 тадан чинбарг кўрсатди. Ғўза пайкаллари ёппасига биринчи ишловдан чиқарилди. Биринчи озиқлантириш эса 10 майда ниҳоясига етказилиши кўзда тутилмоқда.

Ҳозир вилоят пахта далаларида 1700 тадан ортиқ чопиқ агрегати унум билан ишлаяпти. Вилоят ҳокимлиги деҳқончилик-саноати мажмуи мутахассислар гуруҳи раҳбари Одилхон Қориевнинг айтишича, наманганлик заршунослар жорий йилда ҳам пахтадан, шунингдек қишлоқ хўжалиги барча экинларидан мўл ҳосил етиштириш иштиёқида ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишда устивор меҳнат қилишаяпти.

**Абдунаби ҚОРАБОЕВ.**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг қарорларига мувофиқ, миллий хавфсизлик масалалари бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Миллий хавфсизлик кенгаши — хавфсизликни таъминлаш соҳасида давлатнинг ички ва ташқи сиёсати масалалари бўйича маслаҳат органи ташкил қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик кенгаши тўғрисидаги Низом ва унинг аъзолари таркиби тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси муҳокамасига тақдим этиш учун «Миллий хавфсизлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 1 май.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан, инсонпарварлик принципига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-банди асосида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Қуйидаги маҳкумлар озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан озод қилинсинлар:

А) Иккинчи жаҳон урушининг қатнашчилари, шунингдек Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда қатнашган шахслар;

Б) аёллар ва вояга етмаганлар;

В) 60 ёшдан ошган эркаклар;

Г) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари.

2. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жиноятлари учун ҳукм қилинган ва тайинланган муддатнинг камида ярмини ўтаб бўлган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта қасддан жиноят қилиб, беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва тайинланган муддатнинг камида ярмини ўтаб бўлган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Мазкур Фармон асосида озод қилинмайдиган қуйидаги шахсларнинг ўтаб бўлинмаган жазо муддати қисқартирилсин:

А) ахлоқ тузатиш ишларига, қамоққа ҳукм қилинганларнинг, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларнинг қолган муддати — ярмига;

Б) биринчи марта қасддан жиноят қилганлиги учун беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларнинг қолган муддати — учдан бир қисмига;

В) биринчи марта қасддан жиноят қилганлиги учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларнинг қолган муддати — тўртдан бир қисмига.

5. Ўта оғир жиноятлари учун, ўқотар қуроли билан ҳамда гиёҳвандлик воситаларини сотиш ва ўтказиш билан боғлиқ жиноятлари учун ҳукм қилинганларга, ўта хавфли рецидивистларга, шунингдек жазони ўташ тартиботини ашаддий бузувчиларга нисбатан ушбу Фармоннинг 1,2,3-моддалари қўлланилмасин.

Фармоннинг 4-моддасига мувофиқ тартиботни ашаддий бузувчиларнинг жазо муддати қисқартирилмасин.

6. Фармон эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради ва тўрт ой мобайнида ижро этилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 3 май

## ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА ЗАРБДОР ПАЛЛА

### Тажриба, таҳлил, таклиф

Шу йил 14 мартда Тошкентда ўтказилган пахтакорларнинг кенгашида сўнгги йилларда чигит экишнинг оптимал муддатларга нисбатан 15-20 кун кечиктириб ўтказилиши, бу эса кўсакларнинг кеч очилишига, ҳосилдорлик кескин пасайишига сабаб бўлаётганлиги қаттиқ танқид қилинган эди. Кенгашда бу камчиликка чек қўйиш, чигитни бир кун ҳам кечиктирмай қулай муддатларда экиб олиш, тўлиқ гектарлар ҳосил қилиш ва пировардида астойдил меҳнат эвазига 1995 йилда мўл ҳосил яратиш бўйича мурожаат қабул қилинган эди. Мурожаатга жавобан Андижон, Наманган ва Тошкент вилоятларининг кўпгина туман хўжаликларида чигит экишга март ойининг охирида киришилиб, улар пайкалларга уруғ қадашни қисқа муддатларда — 12-15 апрелда тугатишга эришдилар. Натижада эрта экилган пайкалларда апрелнинг биринчи ярмида яшил ниҳоллар ҳосил қилинди.

Афсуски, айрим хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари чигитни тез ундириб олиш, қатор ораларини культивация қилиш, ғўзани яганалаш ва бошқа муҳим агротехника тадбирларни ўтказишда сусткашликка йўл қўймоқдалар. Бу эрта экишдан кўзланган самарани бой беришга олиб келиши мумкин. Пахтакорларнинг шу кунги вазифалари барча пайкалларда мурғак ниҳолларнинг ҳолатидан хабардор бўлиб, тегишли агротехник тадбирларни кечиктирмасдан, юқори сифатли қилиб ўтказишдан иборатдир.

Агар далада ниҳоллар тўлиқ бўлмаса, дарҳол хатосига чигит экиш ишларини ташкил қилиш лозим. Чигит униб чиқмаган майдонларни аниқлаш учун ҳар бир хўжаликда тажрибали мутахассислардан иборат комиссия тузиб, апрелда экилган майдонларни иложи борича бузиб экмасдан, ниҳолларни тўлиқ ундириб олиш чораларини кўриш керак. Чунки май ойида ҳосил бўлган пайкалларнинг ғўзаси 150-200 даража самарали ҳароратни кам олиб, апрелда экилган ғўзадан 5-7 центнер кам ҳосил беради ва кеч очилади. Шунинг учун ўтган йилларга ўхшаб ҳадеб бузиб экмасдан, оласига экишни қўллаб, тўлиқ гектарлар ҳосил қилишни таъминлаш лозим.

Табиийки, кўп ҳолларда ёғингарчиликлар бўлиб ўтади, қатқалоқни 1-2 кун ичида йўқотиб, чигитни ундириб олиш чораларини кўриш керак. Шуни ҳам унутмайликки, айрим майдонларда чигит экилгандан сўнг ҳароратнинг кескин кўтарилиши натижасида тупроқдаги намлик камайиб кетиб, чигитлар тўлиқ униб чиқмаяпти. Бундай пайкалларда тезда маълум меъёрда чигит суви беришни ташкил қилиш лозим.

Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институтида ўтказилган тажриба маълумотларига қараганда, сувнинг миқдорини гектарига 600-700 м³ дан оширмаслик керак. Далаларни тезда сувдан чиқаришда тупроқнинг механик таркиби, далаларнинг нишаблигини ҳисобга олиб қатор оралиғи 60 см ли қилиб экилган далаларда эгатларнинг узунлиги 80-120 метрдан, 90 см ли қилиб экилган далаларда эса 100-150 метрдан ошмаслиги керак. Чигит сувини беришда қатор оралиғи 60 сантиметрли далаларда эгат оралатиб, 90 сантиметрлисида ҳар эгатга сув таралса яхши натижа беради.

Пахтадан юқори ҳосил етиштиришда ниҳолларни тўғри муддатларда яганалашнинг аҳамияти катта. Бу тадбир, айниқса, гектарига кўпроқ чигит экилган майдонларда кечиктирмай бажарилиши талаб қилинади. Аниқ миқдорда чигит ташлаб экилган далаларда ҳам кўчатларнинг қалинлигини текширувдан ўтказишни унутмаслик керак. ЎзПИТИнинг маълумотларига ва кўпчилик илғор хўжаликларнинг тажрибаларига қараганда, яганалашни ҳар бир пайкалда тўлиқ ниҳоллар пайдо бўлишидан бошлаб ғўза ниҳоли 2-3 чин барг чиқарган даврда — 7-8 кунда тугаллаш мақсадга мувофиқдир.

Минг афсуски, 1994 йили айрим хўжаликлар яганалашни 4-5 чин барг чиқаргунча июнь ойигача чўзиб, ниҳолларни уринтириб қўйишди. Натижада кўсакларнинг очилиши 10-12 кунга кечикди, ҳосилдорликнинг 3-6 центнерга камайишига олиб келди. Самарқанд, Сирдарё, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида ниҳоллар тўла униб чиққан майдонлар кўп бўлишига қарамай, ўтган йилги хатони такрорлаб, ғўзани яганалаш суст ва сифатсиз олиб борилмоқда. Бу тадбирни ўтказишдан олдин қаторларнинг ҳар метрида қанча кўчат қолдирилишини яхши тушунтириш ва унинг бажарилишини назорат қилиб бориш жуда муҳим. Кўп ҳолларда бунга эътибор берилмаслик оқибатида керагидан анча кам миқдорда кўчат қолдирилиши салбий оқибатларга олиб келади. Ваҳоланки, юқори ҳосил тўплашда тупроқ шароити ва ғўза навлари хусусиятларининг ҳисобга олиниши, кўчат қалинлигини тўғри белгилаш жуда ҳам муҳим омилдир.

ЎзПИТИ ва бошқа илмий тадқиқот муассасаларида ўтказилган тажрибалардан келиб чиққан ҳолда ўрта толали навларининг кўчат қалинлиги ҳар гектар ерда қуйидагича бўлишини тавсия этамиз:

— унумдорлиги юқори бўз тупроқли, сизот сувлари чуқур, ўтлоқи, соз тупроқли, сизот сувлари 1,5 — 2,0 метр чуқурликда жойлашган ерларда кўчат қалинлиги 80-90 минг, унумдор, сизот сувлари ернинг бетига яқин ёки чуқур жойлашган ўтлоқи тупроқларда эса гектарига 90-100 минг туп;

— унумдорлиги кам тақир тупроқларда, шағал, қумоқ қатлам юзароқ жойлашган, механик таркиби енгил ва ғўзалар паст бўйли бўлиб ўсадиган ерларда 130-140 минг туп.

Шўрланган ерларда, шўрланмаган ерларга нисбатан, яганалаш пайтида 10-15 фоиз кўпроқ кўчат қолдириш лозим, чунки ғўзанинг ўсиш даврида, тахминан шунча кўчат, тузларнинг юзага кўтарилиши натижасида нобуд бўлиши мумкин.

Маълумки Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг айрим туманларида ингичка толали «Термиз-24», «Ашхобод-25», «Қарши-8» навлари экилади. Бу навларнинг ҳам кўчат қалинлиги тупроқ шароитига қараб 120-160 минг туп атрофида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Агар тавсия қилинган кўчат қалинлигидан 10-20 минг туп кўп ёки кам бўлса ҳосилдорлик гектарига 10-15 фоиз камайиб кетишини тажрибалар кўрсатди.

Ниҳолларнинг ривожланишини жадаллаштириш мақсадида ғўза қатор ораларини эрта муддатларда сифатли ишлашга аҳамият бериш керак. Дастлабки ишловни кечиктириш пахта пайкалларини ўт босиб кетишига ва илдиз чириш касаллигига олиб келиши мумкин. Шунга кўра культивацияни эрта бошлаб юбориш тупроқнинг юза қатламини юмшатиш билан бирга ҳаво алмашувини ҳам яхшилайди, даланинг ўт босишини камайтиради.

Ғўза қатор ораларига ишлов беришда чопиқ агрегатларига бегона ўтлар илдизини қирқиш учун ротацион, юлдузча, қирқувчи куракча, ККО туркумидаги чуқур юрар юмшатгич, агар лозим бўлса, ўқсимон юмшатгичлар ўрнатиш керак. Қатор оралари 90 сантиметр бўлган пайкалларда ҳар бир эгатга иккита сферик диск ёки икки жуфт ротацион юлдузча, кенглиги нисбатан камроқ 165 миллиметр бўлган ғўза қатор ораларига ишлов берилганда тўртта қирқувчи куракча ва битта чуқур юрар ёки ўқсимон юмшатгич жойлаштириш лозим. Агар далаларда бегона ўтлар кам бўлса, тупроқни майин юмшатиш учун биринчи ишловда ҳам қирқувчи куракчалар ўрнига юмшатгич куракчаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Мабодо пайкалларда бегона ўтлар ва унинг қолдиқлари кўп бўлса, ротацион юлдузчалар ўрнига албатта қирқувчи ишчи панжаларини қўллаш керак. Қирқувчи мосламани ниҳолдан 6-8 см. йироқликда ва 6-7 см. чуқурликда юрадиган қилиб жойлаштириш лозим.

Чопиқ агрегатлари пайкалларда ишлаётган пайтда ишчи органларининг белгиланган чуқурлиги ва ниҳолдан узоқлигини кузатиб бориш даркор. Акс ҳолда культивация сифати пасайиб, ниҳолларга шикаст етиши мумкин. Биринчи ишловда ротацион юлдузчаларни ниҳолдан 4-5 сантиметр узоқликда, 3-5 сантиметр чуқурликда қилиб жойлаштирган маъқул. Кейинги ишловда эса чуқурлигини 6 сантиметр ва ундан ҳам чуқурроқ жойлаштириш мумкин. Зеро, тупроқнинг майин бўлиши учун культиватор ишчи панжаларини тўғри жойлаштириш катта аҳамиятга эга. Қатор оралари 90 сантиметр бўлган пайкалларда ҳар бир қаторга еттита юмшатгич ва битта чуқур юрар ишчи панжаси жойлаштириш даркор. Биринчи ва иккинчи жуфт юмшатгичларни 6-8 сантиметр, учинчи жуфт ҳамда эгат ўртасидаги юмшатгични 8-10 сантиметр чуқурликда юрадиган қилиб жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Қатор оралари 60 сантиметр бўлган культиваторга 21 та юмшатгич ва 5 та чуқур юрар, қатор оралари 90 сантиметр бўлганда 29 та юмшатгич ва 5 та чуқур юрар ишчи панжалари қўйилса кифоя.

ЎзПИТИ ва кўплаб илғор хўжаликларнинг тажрибаларида аниқланишича, ниҳоллар униб чиққан даврда тупроқда озуқа моддалар етарли миқдорда бўлмаса ўсимликларнинг ривожи кечикади. Бундай ҳол айнан бу йил намоён бўлмоқда. Бундай ҳолларда ғўзаларни биринчи озиқлантиришни тезда культивация ўтказиш билан бир вақтнинг ўзида олиб бориш керак. Май ойининг охиригача ҳар гектарга 40-50 килограмм соф азот (гектарига 120-150 килограмм аммиакли селитра ёки 80-100 килограмм мочевина) солиниши даркор. Агар куз пайтида ер ҳайдашдан олдин ва баҳорда фосфор ўғитлар тупроққа солинмаган бўлса, унда ҳар гектар ерга 200-250 килограмм суперфосфат ёки 100-120 килограмм аммофос азот ўғитлари билан аралаштирилиб берилади. Тупроқда ҳаракатчан фосфор миқдори етарли таъминланган далаларга фосфорли ўғитлар берилмайди. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, ғўза ёш даврида етарли озуқа моддалари билан таъминлангандагина ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши жадаллашади, улар барвақт ҳосил шохларини, шона ва гулларни етиштиради. Натижада мўл ҳосил эрта йиғиб олинади. Минерал ўғитлар билан тупроққа ҳар килограмм азотга 2,0-2,5 кг ҳисобидан чиритилган ва эланган гўнг аралаштириб берилса (айниқса калий элементи етишмаган пайкалларда), ниҳолларнинг ривожланиши тезлашади. Шуни таъкидлаш лозимки, органо-минерал аралашмалар қўлланилганда тупроқдаги микробиологик жараёнлар жадаллашади, ғўза минерал ўғитларни яхши ўзлаштиради.

Маълумки, зараркунандаларга қарши биологик ва химиявий кураш чоралари қанча барвақт ва тўғри ўтказилса ўсимликларни ҳимоя қилиш самараси шунча кучли бўлади. Кемирувчи ҳашаротлар тухумига қарши трихограммани 3 марта, ҳар 5-7 кун оралатиб гектарига биринчи марта 60 минг, иккинчи марта 80 минг ва учинчи марта 60 минг донадан тарқатилади. Шу кунларда пахта майдонлари атрофидаги бегона ўтларда ўргимчаккана, трипс, ғўза ва акация шираси ривожланиши кузатилмоқда, Ҳаво исиши билан улар ғўзага ҳам ўтиши мумкин. Улар тарқалиб кетмаслиги учун ҳар бир далани назорат остига олиб, кузатиш ишларини амалга оширишни — зараркунандалар пайдо бўлган жойларда тезда кимёвий кураш чораларини амалга ошириш лозим. Бунинг учун юқорида қайд этилган ҳашаротларга қарши сумиалфа (0,4-0,5 га/л), телстар ёки каратэ (0,5 га/л), БИ-58 (1,5-2,0 га/л) ёки бошқа кимёвий дорилардан фойдаланиш тавсия этилади. Бу препаратларни сепишни енгиллаштириш учун культиваторга ПГС мосламаси тақиб ишлатиш яхши самара беради. Ўргимчакканага қарши кураш учун жойларда марказлаштирилган ИСО (оҳак ва олтингугурт қайнатмаси) тайёрлашни ташкил қилиш керак. Афсуски, кўп жойларда бу ишлар ҳали яхши йўлга қўйилмаган.

Хуллас, пахтачиликда юқори самараларга эришиш ҳар доимгидек, бозор иқтисодиёти шароитида ҳам улуғ вазифадир. Бу ҳақиқатни унутмаган ҳолда пахтадан юқори хирмон кўтириш учун барча тадбирларни ўз вақтида, аъло ва сифатли ўтказмоғимиз зарур. Пировард натижада шунга эришайликки, хирмонимиз юксак, юзимиз ёруғ бўлсин.

**Р. ИСАЕВ,**
*Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик вазирлигининг деҳқончилик бош бошқармаси бошлиғи.*
**С. САЙДУМАРОВ,**
*ЎзПИТИ бўлим бошлиғи.*
**Т. ЗОКИРОВ,**
*профессор.*
**Э. ШАРОПОВ,**
*бўлим бошлиғи.*

## ҚЎШ ХАБАР

● ХОРАЗМ

Сифатли ишлов мўл ҳосилга гаров. Буни яхши билган Хоразм вилояти деҳқонлари кундан-кунга бўй чўзаётган ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бермоқдалар. Бу борада Янгиариқ туманидаги «Остона» жамоа хўжалигининг Худойназар Эрназаров бошлиқ бригадаси аъзолари пешқадамлик қилишмоқда. Ишбилармон бригада даласида ниҳоллар барқ уриб ўсмоқда. Ғўза қатор оралари юмшатилмоқда. Хўжаликнинг 880 гектар ердаги дуркун ғўзалари ривожи кўзни қувонтиради.

***

● АНДИЖОН.

Пиллачилик — вилоят меҳнаткашларининг азалдан меҳр қўйган касби. Ипак етиштириш элни шойи-атласга буркаш, юрт чиройини, Ватан куч-қудратини ошириш демакдир. Шу кунларда Комсомолобод, Балиқчи, Марҳамат тумани меҳнаткашлари ипак қуртини яхши боқиб, бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Биргина Комсомолобод туманида бу йил минг қути ипак қурти парвариш қилинмоқда. Тажрибали пиллакорлар ҳар қути қуртдан 50-60 килодан ҳосил олиш ниятидалар. Пиллачиларнинг кунни тунга улаб самарали ишлашлари учун хўжаликларда шарт-шароит яратилган. Ипак қурти боқаётган ҳар бир хонадонга ун, пахта мойи, 250 сўмдан пул берилди. Хонадонлар етарли ўтин-кўмир, сўкчак, қоғоз билан таъминланди. Айни кунларда ипак қурти парвариши қизғин.

**Ғ. ОБИДОВ.**

# МУҚАДДАС БАЙРАМ

***Қурбон ҳайит — мўмин-мусулмонларнинг энг улуғ байрами. Бу айёмга бундан бир неча минг йиллар илгари асос солинган. У ўз мазмуни билан ҳам умумбашарий бўлиб, инсонни улуғлашга қаратилган. Қолаверса, у барчани дўст ва биродарликка, тинчликка, муҳтожларга ёрдам кўрсатишга, сахийлик ва покдомонликка чақиради.***

***Истиқлол шарофати билан Ийд ал-адҳа куни янгича мазмун касб этиб, халқимизнинг янада суюкли байрамига айланди.***

***Шу улуғ айём арафасида кўпгина юртдошларимиз ҳаж фарзини адо этиш мақсадида Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрига жўнаб кетишди. Мухбиримиз Қурбон ҳайити ва ҳаж зиёрати бурчи ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси раиси Абдуғани АБДУЛЛАЕВ билан мусоҳаба ўтказди.***

— Ҳурматли Абдуғани ака, Ҳаж зиёратига борувчиларни танлаш бу йил қай йўсинда ўтди. Уларга давлатимиз томонидан кўрсатилган имтиёзлар хусусида ҳам гапирсангиз.

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. — Ҳаж қилувчиларни танлаш жойлардаги раҳбарлар зиммасига юклатилган. Биз уларга бу муқаддас бурчга лойиқ номзодлар танлашни тавсия қилдик. Ҳар бир вилоят Вазирлар Маҳкамасига ўз рўйхатини берди. Шунга асосан иш охиригача етказилди. Ўтган ҳафта ҳамюртларимиз Ҳажга кетишди. Уларга давлатимиз катта ёрдам уюштирди. Хожилар юртбошимизга ғамхўрлик учун миннатдорчилик билдиришмоқда. Қурбон ҳайитида кимки нима тиласа Оллоҳ таоло ниятига етказгусидир. Бу йил муқаддас Ҳаж сафарига борувчилар сони 3 мингга етди. Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистондан атиги 5-10 нафар кишигина борарди. Ҳаж бу оддий сайр сафари эмас. Аксинча, ҳар бир қудрати етган мусулмон учун у фарздир. Бу муборак ибодат мамлакатимизга барака ва тўкинлик, юртдошларимизга обрў-эътибор келтириши муқаррар.

— Қурбон ҳайитини нишонлаш қачон ва қандай пайдо бўлган. Шу ҳақда фикрингизни билмоқчи эдик.

— 10 май — чоршанба куни бутун дунё мусулмонлари ва Ислом олами Қурбон ҳайитини нишонлайди. Бу байрамнинг мазмуни ниҳоятда чуқур ва илдизи мустаҳкамдир. Бундан 4 минг йил муқаддам Иброҳим Ҳалилуллоҳ алайҳиссалом даврига келиб инсон ҳаётида туб ўзгаришлар бошланган. Ўша пайтгача одам боласи қурбонлик қилиб келинар эди. Иброҳим алайҳиссаломга Оллоҳ таолодан ўғли Исмоилни Марво тоғига олиб чиқиб қурбонлик қилиш ҳақида вожиб келди. Ҳазрат Иброҳим ҲАҚ таологa итоат қилиб ўз жигаргўшасини қурбонлик қилиш учун буюрилган жойга олиб борди. Бироқ унга қўлидаги ўткир пичоқ бўйсунмади. Яратганнинг иноятi билан Исмоилга ҳеч нарса бўлмади. Бу билан Оллоҳ Субҳанаҳу ва таоло Одам фарзандларига инсонлардан қурбонлик қилишни маън этди ва жониворлардан маълумларини қурбонлик қилишга вожиб қилди. Инсон Оллоҳ таолонинг ерда яратган энг улуғ яратмаси. Ана шу улуғлик уни қурбон бўлишдан қутқарди. Унинг ўрнига Худо йўлига жондорлар сўйиб қурбонлик қилинадиган бўлди. Бу инсон тарихида, унинг онги такомиллашувида катта воқеа эди.

«Худонинг уйи» саналмиш муқаддас Каъбатуллоҳни Оллоҳнинг фармони билан Иброҳим алайҳиссалом ва у кишининг ўғли Исмоил Тури Сино, Тури Сийно, Ҳиро, Лубнон Жуддий тоғларидан тош келтириб қайта қурганлар. Жаброил алайҳиссалом тош кесдилар, фариштaлар Иброҳимга олиб келдилар ва ул зот тош тердилар. Ниҳоят, Каъбатуллоҳ биноси барпо бўлди. Оллоҳ таоло Жаброил алайҳиссалом орқали Иброҳимга фармон қилдилар. «Халқни Ҳажга чиқаринг», — дея. Иброҳим алайҳиссалом Қубайс тоғига чиқдилар ва ундан «Эй, Одам фарзандлари, Оллоҳ таоло Сизларга Байтуллоҳни бунёд қилди ва Сизларга уни Ҳаж қилишингизни буюрди» Шу пайтдан бошлаб инсонларга Байтуллоҳни Ҳаж қилиш фарз амалларидан бири бўлиб қолди. Ҳар йили муборак айём куни бутун мусулмон оламида Ҳаж мавсуми бошланади. Муқаддас Каъба тавофу зиёрат қилинади. Ҳайит кунида қурбонлик қилиш, камбағалларга меҳр ва саховат кўрсатишга нима етсин. Ийд Қурбон кунлари аразлашганлар гина-кудуратларни унутиб ярашадилар, бечоралардан ҳол сўрайдилар ва ҳадялар қиладилар. Икки ракат номоз ўқишга эса ҳар бир мусулмон бурчли. Қурбон ҳайитининг ғояси кечиримлиликни улуғлайди. Сахийлик-бебаҳо фазилат. Бу байрам фуқароларни мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик бўлишга даъват этади, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлайди.

Мустақилликка эришгандан сўнг Қурбон ҳайити Ўзбекистонда расмий байрам қилинадиган бўлинди. Уни мамлакатимизда яшаётган барча халқлар ва дин аҳли нишонлайди. Бу айём дўстлик ва биродарлик байрами сифатида ҳам қадрли. У ҳали айтганимдай қадимдан давом этиб келаяпти. Бу билан ўз ҳаётчанлигини яна бир карра исботлаяпти. У одамлар орасига адоват ва нифоқ солишга бутунлай қарши, фақирларга ёрдам беришга, бошқа турдаги дин аҳилларига иззат-эҳтиром кўрсатиб яшашга ҳам чорлайди.

— Бу галги Ийд Қурбон куни мамлакатимизда иқтисодий юксалиш сари илк қадамлар қўйилаётган бир даврга тўғри келмоқда. «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси мухлисларига қандай тилакларингиз бор?

— Сўзларингизга тамомила қўшиламан. Ва сўзим якунида шуларни қўшимча қилишга жазм этдим. Шу файзли Қурбон Ҳайити кунлари Парвардигордан нима сўрасанг шуни беради. Бутун бир мустақил мамлакат аҳли якдил бўлиб, Тангри таолодан фаровон ва тинч ҳаёт, баракали ҳосил ҳамда мустаҳкам эътиқод сўрайлик. Муштарийларга ҳам тилагим шу. Йилимиз қут баракали, файзу футуҳли йил бўлсин, халқимиз ризқ-рўзини Ҳақ таолонинг ўзи зиёда қилсин, деҳқонларнинг кишт-корларига Оллоҳ таоло барака берсин.

Ийд Қурбон байрамингиз умр боқий бўлсин, азизлар.

Оллоҳ таборака ва таоло муътабар айёмимизни муборак этиб, ҳар йили бу байрамни фаровонликда ва осойишталикда кутиб олишни муяссар айласин.

**Суҳбатдош: Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.**

# 9 МАЙ — БУЮК ҒАЛАБА КУНИ

## ДИЁР ИШҚИ

*Бошланганда суронли йиллар,*
*Ўтли йиллар, бўронли йиллар —*
*Жангга кирдик виждон ҳукми-ла,*
*Ҳисоблашмай жонимиз билан.*
*Номимизни ёздик тарихга,*
*Ўчмас қилиб қонимиз билан.*
*Жангга кирдик, кўзларда ғазаб,*
*Диёр ишқи, халқ меҳри экан.*
*У кунлардан ҳаёт безгану,*
*Шафқат билмас ўлим зериккан...*
*Обод эллар ҳувиллаб қолган,*
*Эшикларда занг босган қулф,*
*Ўз уйига ўзи бегона.*
*Кексаю ёш юрар қисилиб.*
*Тўй-ҳашамлар ўрнини олган,*
*Аза очган уйларда йиғи.*
*Оталарга қолган жангдаги*
*Ўғилларнинг тўни, кийими...*
*Эркалашга зор гўдакларнинг,*
*Қарашида оламча ташвиш.*
*Оналарнинг қалбин қиймалар,*
*Тонгда кўрган мотамсаро туш...*
*Ҳамма ҳайрон бир маълун уруш—*
*Бошга солган бунча кулфатдан.*
*Парда тутган гўёки осмон,*
*Кўз очирмас бу рутубатдан.*
*Мол йиғарин қилмаёқ хаёл,*
*Қора кийган не-не келинлар...*
*Очлик дарди, ҳижрон бир томон,*
*Эсламайлик дўстлар, келинглар!*

## ДАРҒАЛАР

*Сенинг сафингдаман, ҳали оёқдан,*
*Сув кечар этикни ечганимча йўқ.*
*Ҳали тўнмагандай сариқ доғ ташлаб,*
*Намат шинелимни тешиб ўтган ўқ.*
*Ҳамон димоғимдан кетмаган бурқсаб—*
*Ёнган шаҳарларнинг қўланса ҳиди...*
*Тунлари қуш уйқу заҳматкаш, ҳалол,*
*Бу менинг йигитлик йилларим эди.*
*Ҳандақлар ичида оч-наҳор ётиб,*
*Қор-ёмғир остида увганларимиз.*
*Тупроққа тўш бериб, тиззалаб елиб,*
*Маълун ёв галасин қувганларимиз.*
*Ёдимдан ўчмас ҳеч, гўё кечадек,*
*Аскарлик даврининг ажиб гашти бор...*
*Тириклар қатори қурбонларнинг ҳам,*
*Ҳар бирин бир дунё саргузашти бор.*
*Ҳали кўз ўнгимда сўнгги хатларин,*
*Жўната олмаган талай жангчилар...*
*Падаркуш, нияти шум ёвузларнинг*
*Ўрдаси топталиб, боши янчилар.*
*Оналар кўз ёши, келинлар доди,*
*Гўдаклар нолиши ҳеч қачон қўймас.*
*«Моабит» турмаси эмас бу олам,*
*Ёвуз қашқирларга инсон қўй эмас.*
*Сенинг сафингда у осмон қопқаси,*
*Ернинг ҳалқасидан тутган дарғалар.*
*Сенинг шарофатинг, йўлай олмайди.*
*Ҳаёт гулшанига ола қарғалар.*

**Толиб ЙЎЛДОШ.**

## ЖАСОРАТ ВА САХОВАТ

Ўзбекистон — уруш даврида нафақат ҳарбий кадрлар тайёрлайдиган макон, балки, фашистларнинг «яшин тезлигида уруш» режасини барбод этган, фронтни моддий воситалар билан таъминлаб келган қудратли қалқон эди.

Ўзбекистон меҳрли кўксини дўстларига очди. Ўзбекистонга бир миллионга яқин киши кўчириб келинди. Ўзбек халқи уйсизларга уй, кийимсизга кийим, очларга насиба тутди. Ота-онасиз қолган етимларга қайноқ қалбидан жой бериб, бошини силади. Тошкентлик оддий темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов умр йўлдоши Баҳри ая билан урушнинг энг оғир — тақчиллик йилларига қарамай, ота-онасиз қолган 16 болани ўз тарбияларига олиб вояга етказдилар. Уларнинг бу жасорати тилларда достон бўлди.

Тез орада 104 та саноат корхонаси республикага кўчирилди. 17600 вагонда келтирилган ускуна ва дастгоҳлар учун 1—2 ой ичида заводлар қурилди. Уларда урушнинг дастлабки ойларидан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқарилди. Чирчиққа кўчирилган машинасозлик заводи қирқинчи кунда ўқ-дори учун деталлар, бироздан сўнг эса миномётлар ишлаб чиқарди. Авиасозлар эса 47 кунда жанговар самолётлар чиқаришни бошлади. Ўша пайтларда темир йўл платформалари бир дам бўлсин эшелонлардан бўшамас, неча минг тонна юк ва ишчи-хизматчиларни олиб келаётган вагонларнинг кети узилмасди.

1941 йилнинг охирига келиб республикадаги 300 завод-фабрика фронт учун қурол-яроғ, ўқ-дори ишлаб чиқара бошлади. Уларнинг узлуксиз ишлаши учун биринчи навбатда ёнилғи, электр энергияси ва металл керак эди. Энергетика қувватларини ошириш, металл ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этишга киришилди. Улар синалган халқ қурилиши — ҳашар усулида амалга оширилди. 1944 йилнинг 5 мартида Ўрта Осиёда биринчи металлургия заводи ишга тушди. Уруш йилларида Ўзбекистонда саноат маҳсулотларининг умумий ҳажми 7 баробар, шу жумладан оғир саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 4 баробар, машинасозлик саноат маҳсулоти 13,4 баробар, рангли металлургия саноати 6 баробар ошди.

Ўзбекистонда урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун» шиори остида умумхалқ жамғармаси вужудга келтирилди. Юртимиз меҳнаткашлари фронт жамғармасига 650 миллион сўм пул ва 56 килограмм олтин ва кумуш билан ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Яна 4.260 миллиард сўм миқдорида давлат заёми ва пул-буюм лотереясини ҳам тўладилар.

Гитлерчилар устидан қозонилган буюк ғалабада Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларининг ҳам беқиёс хизматлари бор. Асосий ишчи кучи ҳисобланган эркакларнинг фронтга кетиши, барча деҳқончилик ишлари аёллар ва болалар зиммасига қолганига қарамай улар катта фидойилик ва ватанпарварлик намуналарини кўрсатдилар. 1941 йилда ўзбек пахтакорлари 1 миллион 645.700-.. тонна пахта етиштирдилар. Бу 1940 йилдагига нисбатан 200 минг тонна кўпдир. Шу жумладан фронт ҳимояси учун сув билан ҳаводек зарур ҳисобланган ғалладан ҳам 1940 йилга нисбатан уч ҳисса кўп ҳосил олишди.

Саҳоватли ўзбек деҳқонлари фронт ортидан туриб, душманга қақшатқич зарба бердилар. Уруш йилларида улар фидокорона меҳнат қилиб 4 миллион 806 минг тонна пахта, 1 миллион 282 тонна дон, 54 минг 100 тонна пилла, 482 минг тонна картошка ва сабзавот, 57 минг 600 тонна мева ва узум, 36 минг тонна қоқи, 159 минг тонна гўшт, 22 минг 300 минг тонна жун етиштириб, ғалабани таъминлашда мислсиз жасорат кўрсатди.

Ўзбекистон меҳнаткашларининг биргина харьковлик биродарларига кўрсатилган саховатларига назар ташласак, уларнинг ғалабага қўшган ҳиссаси нақадар улкан эканлигини ҳис этиш мумкин.

Ўзбек халқи урушдан жафо чеккан харьковлик дўстларига 40 миллион сўм пул, 300 центнер мева-сабзавот, 400 центнер ғалла, 9.500 бошдан зиёд қорамол ва кўплаб озиқ-овқат ва кийим-кечаклар юборишган. Бундан ташқари 1943 йилда озод этилган районларга 2000 дан ортиқ трактор, автомобиль ва қишлоқ хўжалиги машиналари юборилган ва издан чиққан қишлоқ хўжалигини қайта тиклаш учун 1595 нафар тракторчи, 225 нафар механик, 50 комбайнчи, 11 нафар ҳисоб-китобчи мутахассислар жалб этилган эди.

Чорвадорлар ҳам бу оммавий ҳаракатда олтин ҳарфлар билан битишга арзигулик эзгу ишларни амалга оширишган. 1943 йилда озод этилган район меҳнаткашлари учун 182 минг бош қорамол жўнатишган. 1944 йилнинг биринчи чорагида эса бу рақам 122 минг 146 бошни ташкил этган.

Республикамиздаги йирик саноат корхоналари ишчи-хизматчилари фашистлар вайрон этган саноат корхоналарини қайта бунёд этиш учун оталиқ ёрдами уюштиришган. «Ташсельмаш» заводи «Ростсельмаш» заводини, республикамиз энергетиклари Украина ва Белоруссия электростанциялари қурилишини, Ангрен кўмир қазувчилари Донецк кўмир қазиб чиқарувчиларини «Текстильмаш» заводи жамоаси эса тўқимачилик корхоналарини оталиққа олиб, кадрларни қайта тиклашларида мададкор бўлишди. Бу билан халқимиз ўзининг инсонпарварлиги ва бой маънавий дунёсини, кенг феъллигию саховатпарварлигини она тарих олдида яна бир бор намойиш қилди.

Ўзбекистон халқининг фронт ортидаги жасорати, мардлигию матонати, заҳматли меҳнатини қаламга оладиган бўлсак, том-том китобларга ҳам сиғмайди. Шундай экан, ҳамиша қалби саҳоват ва мардликка, яхшиликка ва эзгуликка тўла Ўзбекистон халқига таъзим қиламиз.

## ҚУТЛАЙМИЗ



**Қадрли Абдулла ЭГАМБЕРДИЕВ!**

Муборак, қутлуғ ёшингиз муносабати билан Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Эгамберди ошпаз» ишлаб чиқариш-савдо ва овқатланиш фирмаси жамоаси, барча ҳамкасбларингиз номидан чин кўнгилдан йўлланаётган ушбу табрикномани қабул этинг. Бу қутловимизга мамлакатимизнинг турли вилоят ва туманларидаги дўст-ёронларингиз, Сиздан касб ўрганган, ғамхўрликларингиздан баҳраманд бўлган шогирдларингиз ҳам қўшилиб, уларининг энг эзгу тилакларини изҳор этадилар. Нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёдаги кўпгина шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси кўҳна Тошкентнинг Сағбон кўчасида маълуму машҳур бўлган отангиз Эгамберди ошпаз, унинг укалари — Раҳмонберди ошпаз, Худойберди ошпаз, Раҳимберди ошпазларнинг эл-юрт олдидаги хизматларини доимо чуқур ҳурмат билан тилга олади ва уларнинг касб маҳоратига таҳсинлар ўқийди. Ана шу катта сулоланинг қутлуғ анъаналари Сизнинг бошчилигингизда, укаларингиз — Файзулла ошпаз, Раҳматилла ошпаз, Раҳмонберди ошпаз фарзандлари — Жўра, Эргаш, Йўлдош, Комил, Омил, Қобил, Худойберди ошпазнинг ўғиллари — Фатхулла, Ҳусниддин, Раҳимберди ошпазнинг зурриётлари — Алим, Анвар ошпазлар томонидан давом эттириб келинганлигини, бугунги кунда уларнинг сафига шу авлоднинг янги-янги ворислари қўшилганлигини эл-юрт жуда яхши билади ҳамда дуо кетган касб соҳибларининг хизматини ҳамиша эътироф этади.

Сиз учун ғоят қувончли кунда муборакбод этар эканмиз, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб, фарзандларингиз — Турсунбой, Турғунбой, Маҳсумахон, набираларнинг орзу ҳавасини кўришингизни, сулоланинг барча ворисларини халқимиз эъзозига сазовар бўлган машҳур ошпазлар руҳи доимо қўллаб туришини ният қиламиз.



**Ҳурматли Убайдулла ПОЗИЛХОНОВ!**

Шу кунларда Сиз умр аталмиш улуғ ва беназир ҳаёт йўлингизнинг олтмишинчи довонига шукроналик туйғуси билан қадам қўймоқдасиз. Не бахтки, умр китобингизнинг зарварақлари ҳаётий рангларга бой. Йиллар силсиласи бирбиридан бетакрор. Инчунун, 1954 йили 11-ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаб, Оққўрғон туманининг Элтамғала қишлоғида бир йил муаллимлик, сўнгра Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетида талабалик йиллари, 60-йилларнинг бошларидан бошлаб олийгоҳ кафедрасида ўқитувчи — булар ҳаммаси фаолиятингизнинг айрим жиҳатларинигина белгилайди, холос.

Институт жамоаси, талаба-шогирдлар Сизнинг ижтимоий ҳаёт ва жамоат ишларида ташкилотчилик салоҳиятингизни таъкидлаган ҳолда устоз-мураббий ҳамда олим сифатида ҳам ғоят қадрлашади. 1975 йилдан иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини улуғлаган ҳолда 30 га яқин илмий мақолалар, долзарб мавзулардаги дастур, ўрта мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган «Иқтисодий назария» қўлланмасининг муаллифларидан бири ва муҳаррири сифатидаги хизматингиз беназир. «Иқтисодий назария ва ҳозирги замон» китобининг муаллифларидан бири эканлигингиз ҳам шогирдларингиз учун ибратлидир. 1992 йилдан «Иқтисодий назария» кафедрасининг мудири сифатида 20 нафардан зиёд жамоага бош-қош бўлиш билан бирга кўп сонли талабаларнинг ғамхўр ва талабчан мураббийи эканлигингизни барча эътироф этади.

Зукко халқимизнинг «Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин» деган ажойиб мақолини тилга оладиган бўлсак, Сизнинг оиладаги нуфузингиз янада бўртиб кўринади. Умр йўлдошингиз — Қундузхон опа билан биргаликда 4 нафар фарзандни тарбиялаб, уларни мустақил ҳаёт қучоғига йўлладингиз. Уларнинг ҳаммаси олий маълумотли, мўмин-қобил. Алишержон ва Беҳзоджон турли соҳаларда хизмат қилишаяпти. Шаҳнозахон ва Дилнозахонлар онаси изидан бориб, педагог-тарбиячи сифатида фаолият кўрсатишяпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, падари бузрукворингиз Позилхон ота бугунги кунда ўзининг 93 баҳорини қаршилаётган экан, бу пиру бадавлатлигу тетикликда Сиз ва Сиз каби 13 нафар фарзанднинг камоли, қувончлари унинг умрига умр қўшаётганлиги кундай равшандир.

Муҳтарам Убайдулла Позилхон ўғли! Қутлуғ 60 ёшингиз муборак бўлсин! Ҳаётингизнинг ҳар бир қадамида Сизга омад ёр бўлсин!

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти жамоаси ва дўстларингиз.**

## ХАЛОСКОР ХАЛҚ, БУНЁДКОР ХАЛҚ

● ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган жангларда қорақалпоқ халқи ҳам ўзининг жуда кўп асл фарзандларидан жудо бўлди. Биргина Чимбой туманидан урушга кетган жангчиларнинг ярмидан кўпроғи она юртига қайтмади. Қаҳрамонлар ҳамиша эъзозда. Шаҳарнинг энг хушманзара «Тоғёп» канали соҳилида қаҳрамон жангчилар хотирасига ёдгорлик ўрнатилди.

* * *

Буюк ғалабанинг 50 йиллиги байрамига Элликқалъа тумани меҳнаткашлари ҳам катта тайёргарлик кўрдилар. «Москва» фермерлар уюшмаси ташаббуси билан Оқчақул соҳилида 4 гектарлик мевали боғ барпо этилди. Айни кунларда кўчатлар барқ уриб ўсмоқда.

***

● НАМАНГАН. Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги нишонланадиган кун арафасида ёғ-экстракция заводи клубида жанговар ва меҳнат шоншуҳрати музейи очилди. Уруш йилларида армияга чақириш пункти шу клубда жойлашган бўлиб, минглаб наманганликлар шу ердан фронтга кетганлар.

Музейда ташкил этилган кўргазмада фашист босқинчиларига қарши олиб борилган жанглар ва мамлакат ичкарисида қилинган қаҳрамон она меҳнат тўғрисида ҳикоя қилинади. Урушга қадар ёғ-экстракция заводида ишлаган ва фронтдан Олтин Юлдузни порлатиб қайтган Абдусаттор Раҳимовнинг ҳаёти, жанговар йўли кўргазмадан алоҳида ўрин эгаллаган. Афсуски Абдусаттор акага Ғалабанинг 50 йиллигини нишонлаш насиб этмади. Бундан уч йил бурун у оламдан ўтди. Унинг фарзандлари ташкил қилган музей Абдусаттор Раҳимовга ва урушдан қайтмаган наманганлик жангчиларга ўрнатилган энг яхши ёдгорликдир.

* * *

● ТОШКЕНТ. Байрам арафасида Тошкентнинг Миробод тумани ижтимоий таъминот бўлимида иккинчи жаҳон уруши ногиронларига Германиянинг «Майра» фирмасида тайёрланган, фойдаланиш учун қулай бўлган аравачалар топширилди.

● СИРДАРЁ. Гулистон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида урушда қаҳрамонларча ҳалок бўлган жангчилар хотирасига ёдгорлик бунёд этилди. Немис фашист босқинчиларига қарши курашда 4 минг сирдарёлик аскар ҳалок бўлган. Ёдгорлик мажмуида уруш қурбонлари, байналмилалчи жангчилар номи абадийлаштирилган.

ХОРАЗМ. Шовотқальада уруш қатнашчилари билан ёшлар учрашуви бўлиб ўтди. Фахрийлар ёшларга ўзларининг жанговар хотираларини сўзлаб бердилар.


## Фермерлар ва хўжалик раҳбарлари диққатига!

Тошкентдаги ташкилот пул ўтказиш йўли билан ФА-25 маркали сут идишлари /флягаларни/

**СОТАДИ**

Шунингдек қишлоқ хўжалиги машиналари, юк ташиш, кўтариш ва коммунал машиналари учун иш босими 16МПа дан 25 МПа гача гидроцилиндрларни шартномалар бўйича етказиб беради.

**Мурожаат учун телефон: /3712/ 78-58-66.**

## Ҳамкорликка чорлов

Польшадаги савдо компанияси VI ва V типга мансуб, юқори сифатли пахта толасини доимий равишда

**СОТИБ ОЛАДИ**

Озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, тўқимачилик саноати буюмлари, хўжалик ва маиший молларни пахта толасига айирбошлаш юзасидан ҳам ҳамкорлик қилиш мумкин.

**Манзилгоҳ: 80-952, Польша, Гданск шаҳри, Фисзера кўчаси, 14/227.**

**Телефон: /10-48-58/ 47-17-49.**

**Телефон /Факс/: /10-48-58/ 47-22-29.**


Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси жамоаси шоличилик илмий-текшириш институти директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди

**Зикрилла Исмоилович АБДУЖАББОРОВнинг**

бевақт вафоти муносабати билан унинг оиласига ва қариндошларига чуқур таъзия билдиради.

# МАЙДОНГА ТУШИНГ, АЛПОМИШ ВОРИСЛАРИ

## Теннис

Республикамиз раҳбарияти нафақат сиёсат ва иқтисодиёт жабҳасида, балки спорт соҳасида ҳам жонажон Ўзбекистонимиз халқаро миқёсда юксак мавқелардан бирини эгаллаши учун тегишли чора-тадбирларни кўраётганлиги таҳсинга лойиқдир. Узоқни кўзлаб амалга оширилаётган бу чора-тадбирлар ҳозироқ ўз самарасини бераётганлиги эса ният холислиги, истиқбол порлоқ эканлигидан далолатдир. Мисол тариқасида Вазирлар Маҳкамасининг республикамизда футболни ривожлантириш юзасидан 1993 йил март ойида қабул қилган қарори, шундан сўнг ушбу ўйинни оммалаштиришга оид чора-тадбирлар натижаси ўлароқ мамлакатимиз футболчилари XII Осиё ўйинларида эришган тарихий ғалабани эслаш мумкин. Зотан миллий кураш, бокс, спортнинг бошқа турларини юксалтириш эвазига Ўзбекистон вакиллари халқаро миқёсда муносиб мавқега кўтарилиши учун ҳам замин ҳозирланмоқда.

Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун бу йил иккинчи бор ўтказиладиган халқаро турнир ҳам юртимиз довруғини ошириш, вакилларимизнинг халқаро даражага чиқиб, хорижий спортчилар билан беллашишларига кенг имкониятлар очиб беришга қаратилган нуфузли мусобақалардан биридир. Баҳслар 26 август — 3 сентябрь кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

Олдинроқ эса теннис бўйича «Сателлит-Буюк ипак йўли» номи билан туркум мусобақалар ташкил этилади. Уларнинг дастлабкиси 6-13 май кунлари пойтахтдаги «Динамо» теннис кортларида бўлиб ўтади. Кейингилари 13-20 май кунлари Самарқандда, 20-27 май кунлари Фарғонада, 28 май — 4 июнь кунлари яна Тошкентда ўтказилади.

Мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш учун Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков раҳбарлигида ташкилий қўмита тузилган. Тошкент ва Самарқандаги теннис ўйингоҳлари баҳсларга деярли шай бўлса, Фарғонадаги янги теннис корти 15 май куни ишга тушади.

Мусобақаларга 70 га яқин хорижий спортчилар таклиф этилган, Ўзбекистондан эса 10 теннисчи қатнашади.

Шу билан сўзимизга нуқта қўйсак ҳам бўларди. Лекин иккита мулоҳаза билдиришни лозим топдик. Қаранг, бозор иқтисодиётига ўтиш палласидаги мураккабликлар баҳонасида бу мусобақалар ташкил этилмаслиги ҳам мумкин эди. Бу ҳолда, равшанки, Тошкент, Самарқанд, Фарғонадаги ажойиб теннис ўйингоҳлари ҳам юзага келмаган бўларди. Республикамиз раҳбариятининг узоқни кўзлаб иш тутиши боис эса ажойиб спорт иншоотларига эга бўлдик, теннисчиларимиз таниқли хорижий рақиблар иштирокида ўз кучларини синаб кўриш имкониятини қўлга киритишди.

Иккинчи мулоҳазамиз айни шу имкониятлар билан боғлиқликдир. Сир эмаски, ҳозир баъзи ёш-яланглар пул топишнинг осонроқ йўли — савдо-сотиқ, тижорат ишларига ўзларини уришмоқда. Эҳтимол, улардан қайсиларидир шу тариқа мол-дунё орттириш имкониятига эга ҳам бўлишар. Лекин инсон фақат ебичиш учунгина дунёга келмайдику! Тўғри, тириклик ташвишларидан ҳеч қайси биримиз кўз юма олмаймиз. Бироқ саъй — ҳаракатларимиз, орзу-интилишларимиз шунчаки рўзғор ташвишлари, мол-дунё орттириш билан чекланиб қолмаслиги ҳам керак. Спорт, хусусан теннис саломатликни мустаҳкамлабгина қолмасдан ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан инсоннинг юксак чўққиларга кўтарилишига имкон берадиган манбаалардан биридир. Зеро, ҳозирги пайтда жаҳоннинг етакчи теннисчилари йилига миллион-миллион даромад қилишади, айни чоқда ўзи ва юртининг довруғини оламга ёйишади, яъни энг бадавлат кишилар сафига кўтарилиш билан бир қаторда чуқур маънавий озиқ ҳам олишади.

Демоқчимизки, биздаги айрим ёш-яланглар ва уларнинг ота-оналари ҳам савдо-сотиқ, тижорат орқали қўлга киритиш мумкин бўлган бугунги беш-ўн сўмни кўзлаб эмас, теннис ёки спортнинг бошқа бир тури орқали эга бўлинадиган миллионлаб доллорлар, ҳеч нима билан қиёслаб бўлмас нуфуз, обрў, эл-юрт довруғини оламга таратиш каби эзгу мақсадлардан келиб чиқиб иш кўрсалар, асло кам бўлмасликлари турган гап.

Ё ўлкамизда хорижий рақибларни енгиб, нуфузли мусобақаларда ғалаба қозонишга қодир азаматлар йўқми? Бунга ишониш қийин. Илгари ўзини кўрсатишга имкониятлар чекланган эди, шу боис майда-чуйда мақсадлар билан ўралашиб юравердик. Жонажон Ўзбекистонимиз мустақилликни қўлга киритгач, республикамиз раҳбарияти турмушнинг турли жабҳаларида, шу жумладан спорт соҳасида ҳам кенг шароит яратибгина қолмай, ҳар қадамда мадад кўрсатаётган бир пайтда бу катта имкониятдан фойдаланиш зарур.

Алпомиш авлодлари, қадимий анъаналарнинг ворислари, ўзлигингизни тўла намоён этадиган фурсат етди. Энди бу ёғи сизнинг саъй-ҳаракатларингизга боғлиқ!

**Шермуҳаммад ЙЎЛДОШ ўғли.**


Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Расулмат ҲУСАНОВ, Мирзажон ИСЛОМОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эрқул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

**МУАССИСЛАР:** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» КОНЦЕРНИ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Масъул котиб ўринбосари — 32-56-25. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51,33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими — 32-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими — 32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.

Рўйҳатдан ўтиш тартиб рақами 2. Буюртма Г—0194, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 20.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.